

«Марказий Осиё - Хитой» саммити иштирокчилари тантанали кутиб олинди



Сиань шаҳридаги Тан сулоласи боғида “Марказий Осиё - Хитой” биринчи саммитида иштирок этаётган давлатлар раҳбарларини расман кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва рафиқасини Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ва рафиқаси тантанали кутиб олдилар.

Маросимда Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва рафиқаси, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳам иштирок этди. Биргаликда суратга тушилди.

Олий мартабали меҳмонларга сарой олдидаги майдонда Хитойнинг бой тарихи ва маданиятини ўзида акс эттирган ёрқин сахналаштирилган чиқишлар ва концерт дастури намойиш этилди.

Саммитнинг асосий тадбирлари эртага, 19 май куни бўлиб ўтади.



Манба